



ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ



ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ОИЛА ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР
ҚУМИТАСИ



"ОИЛА ВА ГЕНДЕР"
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ

АЁЛЛАРГА ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТ



УСЛУБИЙ ҚўЛЛАНМА

Kitob quyidagi ko'rsatilgan muddatda topshirilishi shart

Oldingi foydalanishlar miqdori

--	--

5945

shat

fac



ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ



ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ОИЛА ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР
ҚЎМИТАСИ



"ОИЛА ВА ГЕНДЕР"
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ

АЁЛЛАРГА ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТ



УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

Тошкент – 2024



УЎК: 35.073.534-055.2:34(075.8)

КБК: 67+66.74(2)уа73

А 34

Аёлларга ҳуқуқий маслаҳат [Матн]: услубий қўлланма / муаллифлар жамоаси. – Тошкент: "Pages Print" нашриёти, 2024. – 36 б.

Масъул муҳаррир:

Мукаррам Нурматова – Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари

Тақризчилар:

Ойниса Мусурмонова – педагогика фанлари доктори, профессор

Хуршида Сайдивалиева – юридик фанлари номзоди, доцент

Услубий қўлланма Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 24 майдаги ПФ-84-сон Фармонининг 6-илоvasи билан тасдиқланган чора-тадбирлар режасининг 28.2-бандида берилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилди. Ҳамда Ўзбекистон Республикаси оила ва хотин-қизлар қўмитасининг 2024 йил 21 августдаги № 02-01/1346-сонли хатига асосан нашрга тайёрланди.

Мазкур услубий қўлланма хотин-қизларнинг қонунчиликда белгиланган кафолат ва имтиёзларни билиши, улардан кундалик ҳаётда фойдаланиш ва қўллаш мақсадида ишлаб чиқилди.

Қўлланмани очиқ манбаларга жойлаштиришга рухсат берилади ва ундан фойдаланиш бепул ҳисобланади.

Мазкур услубий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.

"Оила ва гендер" илмий-тадқиқот институти Илмий кенгашининг 2024 йил 27 августдаги 5-сонли мажлис баёни билан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9910-9222-6-8

© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2024

© Ўзбекистон Республикаси оила ва хотин-қизлар қўмитаси, 2024

© "Оила ва гендер" илмий-тадқиқот институти, 2024

КИРИШ

Қайд этиш лозимки, юртимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича имкониятлар ҳамда ҳуқуқий кафолатлар яратилган.

Мамлакатда соғлом оилани шакллантириш, оилада юксак даражадаги маънавий-ахлоқий муҳитни қарор топтириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ёшларни оила қуришга тайёрлаш, оила мустаҳкамлигини таъминлаш ва унинг манфаатларини ҳимоя қилиш, соғлом бола туғилиши ва уни тарбиялаш масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Шунга кўра, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига оид қонунчилик ҳужжатларини амалиётда қўллаш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Мазкур қўлланма хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларни ҳимоя қилишга хизмат қилади.





АЁЛЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ КАФОЛАТЛАРИГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ






	<p>Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси</p>
	<p>“Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонун</p>
	<p>“Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонун</p>
	<p>“Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонун</p>



	<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 мартдаги “Хотин-қизларни қўллаб- қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5020-сон қарори</p>
	<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4235-сон қарори</p>
	<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги “Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолиятини йўлга қўйиш ва маҳаллаларда бошқарув тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора- тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-402-сон қарори</p>
	<p>Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 мартдаги “Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 145-сон қарори</p>
	<p>Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 июндаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора- тадбирлар тўғрисида”ги 380-сон қарори</p>



АЁЛЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ КАФОЛАТЛАРИ

-  Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIV боби оила, болалар ва ёшларга бағишланган.
-  Конституциянинг 42-моддасига мувофиқ ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш, ишдан бўшатиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш тақиқланади.
-  Конституциянинг 58-моддасига кўра, хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар.
-  Давлат хотин-қизлар ва эркакларга жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда, шунингдек, жамият ва давлат ҳаётининг бошқа соҳаларида тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлайди.
-  Давлат хотин-қизлар ва эркакларга шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни амалга ошириш чоғида тенг ҳуқуқлиликни кафолатлайди.

Давлат хотин-қизлар ва эркакларга жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда, сайлов жараёнида тенг иштирок этишни, соғлиқни сақлаш, таълим, фан, маданият, меҳнат ва ижтимоий ҳимоя соҳаларида, шунингдек, давлат ва жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар таъминланишини кафолатлайди.



ХОТИН-ҚИЗЛАРГА ТАДБИРКОРЛИКНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ УЧУН КРЕДИТЛАР БЕРИЛАДИ



Йиллик
фоизи:

**МБҚМ
ставкаси**



Кредит
муддати:

3 йилгача



Имтиёзли
давр:

6 ойгача



Кредит
миқдори:

33 млн сўмгача



*Бунинг учун улар қуйидаги
дастурлардан бирини
муваффақиятли тамомлаган
бўлиши керак:*



Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳамда Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби маъқуллаган дастурлар асосидаги ўқув курслари

1



“Ишга марҳамат” мономарказлари, касб-ҳунарга ўқитиш марказлари, маҳаллалардаги касб-ҳунарга ўқитиш масканлари ва Хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари ёки нодавлат таълим муассасаларининг касбга ўргатиш ўқув курсларининг махсус ўқитиш дастурлари

2



“АЁЛЛАР ДАФТАРИ”ГА КИРИТИЛГАН ЁЛҒИЗ АЁЛЛАРНИНГ ФАРЗАНДЛАРИ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСИГА ИМТИЁЗЛИ РЎЙХАТ АСОСИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

1 – I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг болалари;

2 – кўп болали оилаларнинг болалари;
– “Аёллар дафтари”га киритилган ижтимоий ҳимояга муҳтож ёлғиз аёлларнинг болалари;

3 – контракт бўйича ҳарбий хизматчиларнинг ва ички ишлар органлари ходимларининг болалари;

4 – талабалар ва педагогларнинг болалари.

5 – талабалар ва педагогларнинг болалари.

Болаларнинг **юқоридаги** контингенти мактабгача таълим муассасасига устунлик билан қабул қилиниш **ҳуқуқига** эга бўлади.





АЙРИМ ТОИФАДАГИ ХОТИН-ҚИЗЛАРГА ОТМГА КИРИШ УЧУН ТАВСИЯНОМА БЕРИЛАДИ

Эҳтиёжманд оилалардаги хотин-қизларга олий таълим муассасаларига киришда давлат гранти асосидаги қабул доирасидаги танловда иштирок этиш учун тавсиянома берилади. Тавсиянома қуйидаги мезонлар асосида тақдим этилади:

- ✓ кам таъминланган оилалардаги хотин-қизлар;
- ✓ тўлиқсиз оилада тарбияланаётган, яъни отаси ёки онаси ёхуд уларнинг иккаласи ҳам вафот этган ижтимоий ҳимояга муҳтож қизлар;
- ✓ турмуш ўртоғи вафот этган, вояга етмаган фарзандини ёлғиз тарбиялаётган ижтимоий ҳимояга муҳтож аёллар;
- ✓ ногирон фарзанди бор эҳтиёжманд оилалардаги хотин-қизлар;
- ✓ 2 ва ундан ортиқ фарзандини тарбиялаётган, қариндошларидан алоҳида яшаётган ёлғиз аёлларнинг қиз фарзандлари;
- ✓ ота-оналаридан бири ёки ҳар иккиси ҳам I ёки II гуруҳ ногирони бўлган эҳтиёжманд оилалардаги хотин-қизлар.



ФАОЛ ВА ТАШАББУСКОР ХОТИН-ҚИЗЛАР “МЎЪТАБАР АЁЛ” КЎКРАК НИШОНИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНАДИ



Мазкур кўкрак нишони билан:

- жамият ва давлат ҳаётида фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатган;
- ўзининг самарали меҳнати билан оиланинг шаклланишига ва фаровонлиги мустаҳкамланишига, оналик ва болалик муҳофазасига муносиб ҳисса қўшган;
- соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, уларни ватанпарварлик ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, жойларда маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш ва миллий қадриятларимизни кенг тарғиб этиш борасида ибратли фаолият олиб бораётган хотин-қизлар тақдирланади.



ХОТИН-ҚИЗЛАРГА 5 МЛН СЎМГАЧА КРЕДИТЛАР НАҚД БЕРИЛИШИ МУМКИН



! МАЪЛУМОТ УЧУН!

“Аёллар дафтари”га 30 ёшдан ошган қуйидаги хотин-қизлар киритилади:

- »»» ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз хотин-қизлар;
- »»» тадбиркорлик қилиш истагида бўлган эҳтиёжманд хотин-қизлар;
- »»» боқувчиси бўлмаган эҳтиёжманд хотин-қизлар;
- »»» ижтимоий ёрдамга муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган, тезкор тиббий муолажага муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизлар;
- »»» уй-жойга муҳтож хотин-қизлар;
- »»» қарамоғида ногиронлиги бўлган фарзандлари бор эҳтиёжманд хотин-қизлар.

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ КАСБ-ХУНАРГА ЎРГАНИШГА ҚИЛГАН ХАРАЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ ТЎЛАБ БЕРАДИ

Касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш курсларини муваффақиятли тамомлаб, уларнинг сертификатини олган шахсларга ўз бизнесини ташкил этиш учун микрокредит ажратилади



Бунда хотин-қизлар нодавлат таълим ташкилотларида касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқиганда қилган харажатларнинг 70 фоизи, бироқ ҳар бир битирувчига 1 миллион сўмдан ортиқ бўлмаган харажатлар давлат томонидан қоплаб берилади





ИШЛАЙДИГАН ОНАЛАРГА БОЛАНИ ОВҚАТЛАНТИРИШГА ТАНАФФУС БЕРИЛАДИ



Икки ёшга тўлмаган боласи бор аёлларга дам олиш ва овқатланиш учун танаффусдан ташқари болани овқатлантириш учун қўшимча танаффуслар берилади. Бу танаффуслар **камида ҳар уч соатда**, ҳар бири **ўттиз минутдан кам бўлмаган** давомийликда берилади.

Икки ёшга тўлмаган икки ёки ундан ортиқ нафар фарзанди бўлган тақдирда, танаффуснинг давомийлиги **камида бир соат** қилиб белгиланади.



Болани овқатлантириш учун танаффуслар **иш вақтига киритилади** ва **ўртача иш ҳақи бўйича** ҳақ тўланади.

Болали аёлнинг хоҳишига қўра болани овқатлантириш учун танаффуслар дам олиш ва овқатланиш учун танаффусга қўшиб берилиши мумкин.



12 ЁШГА ТЎЛМАГАН БОЛАСИ БОР АЁЛЛАРГА ҚЎШИМЧА ТАЪТИЛ БЕРИЛАДИ

Ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган боласи бор аёлларга ҳар йили давомийлиги **камида 4 календарь кун** бўлган ҳақ тўланадиган қўшимча таътил берилади.



Бундай таътил йиллик меҳнат таътилига **қўшиб берилиши** ёки иш берувчи билан келишиб белгиланадиган даврда ушбу таътидан алоҳида (тўлиқ ёхуд қисмларга бўлиб), лекин фақат тегишли иш йили давомида **фойдаланилиши мумкин**.





2 ёшга тўлмаган боласи бор аёллар **енгилроқ ишга ўтказилади**

2 ёшга тўлмаган боласи бор аёллар аввалги ишини бажариши мумкин бўлмаганида, боласи 2 ёшга тўлгунгача енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан холи ишга ўтказилади. Бунда аввалги ишидаги ўртача ойлик иш ҳақи сақлаб қолинади

Ҳомиладор аёллар, 3 ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни ишга қабул қилишда дастлабки синов қўлланилмайди

Ҳомиладор аёллар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишга йўл қўйилмайди

Иш берувчи ҳомиладор аёлларга бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида антенатал (туғруққача) парваришлаш (перинатал скрининг ва ташхис, тиббий кўриклар) учун ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда қўшимча бўш кунлар бериши шарт



Аёлларни пенсия ёшига тўлганлиги сабабли иш берувчи ташаббуси билан **ишдан бўшатиш тақиқланади**

Бунда аёлларнинг пенсия ёшига тўлгани ёки ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи вужудга келгани сабабли номуайян муддатли меҳнат шартномасини 60 ёшга тўлгунга қадар ёки муддатли меҳнат шартномасининг муддати тугагунга қадар иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш мумкин эмас

Айрим аёллар 53 ёшда **пенсияга чиқиши** мумкин



Технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқаргани ёхуд корxonанинг тугатилгани муносабати билан ишдан озод этилган ва ишсиз деб эътироф этилган аёллар 53 ёшга тўлганда ва иш стажи камида 20 йил бўлганда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлади

DENOV TADRIK KORLIK
VA PEDAGOGIKA
INSTITUTI ARM
№ 5145



Айрим хотин-қизларнинг **контракт пули** давлат томонидан тўлаб берилади



5 йил иш стажига эга хотин-қизлар **тавсиянома асосида** ўқишга қабул қилинади



Хусусан, магистратурада ўқиётган хотин-қизларнинг контракт тўловларини қоплаб бериш тартиби белгиланган. Магистратурада тўлов-шартнома асосида ўқиётган хотин-қизларнинг контракт суммасини Давлат бюджетидан қоплаб бериш тартиби тасдиқланган. Бунинг учун талабгорлар 15 сентябрга қадар ўзлари таълим оладиган муассаса ректори номига ариза билан мурожаат этишлари талаб қилинади.

Ҳукумат қарори билан коллеж ёки техникум дипломидаги мутахассислиги бўйича 5 йил иш стажига эга хотин-қизлар контракт асосида ОТМга қабул қилинади. Бунда тавсияномага эга абитуриентлар орасида алоҳида тест ўтказилади, улар орасидан юқори балл тўплаган 500 нафаригина ОТМга кира олади

Хотин-қизларга 7 йилга **фоизсиз таълим кредити** берилади



Шунингдек, ҳукумат қарори билан ҳар бир ҳудуддан ота-онаси ёки уларнинг биридан айрилган муҳтож қизлар, боқувчиси йўқ ёлғиз 150 нафар аёлнинг бакалаврда ўқиш учун тўлов-контракти ҳокимликлар томонидан ҳар йили тўлаб берилади.

Президент қарорига кўра, олий ҳамда ўрта-махсус ва профессионал кундузги таълимда таҳсил олувчи хотин-қизларга **7 йил муддатга 14 фоизлик таълим кредитлари ажратилади**. Бунда фоиз ставкаларини Молия вазирлигининг жамғармаси қоплаб беради. Хотин-қизлар эса асосий қарзни ўқишни тамомлагач, 7 йил давомида тўлайди.



Раҳбарлик лавозимида танловда **хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг иштироки** таъминланади

Давлат хизматидаги лавозимларни, шу жумладан, раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун танловда хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг равишда иштирок этиши таъминланиши керак

Давлат органларининг кадрлар хизматлари зиммасига танлов комиссияларига нафақат танловда иштирок этаётган шахсларнинг маълумоти ва касбий тайёргарлиги тўғрисидаги маълумотларни, балки давлат хизматининг тегишли лавозимларида ишлаётган хотин-қизлар ва эркаклар сонининг нисбати тўғрисидаги маълумотларни ҳам тақдим этиш мажбурияти юклатилади

Ногиронлиги бўлган хотин-қизларни ишга олганларга **субсидия берилади**



Меҳнатга лаёқатли, ногиронлиги бўлган хотин-қизларни иш билан таъминлаган иш берувчилар учун 6 ой давомида ҳар ойда БҲМнинг 2 баравари (600 минг сўм) дан кам бўлмаган миқдорда субсидия ажратилади



“АЁЛЛАР ДАФТАРИ”ГА КИРИТИЛГАН ХОТИН-ҚИЗЛАРГА БЕРИЛАДИГАН БИР МАРТАЛИК МОДДИЙ ЁРДАМ ТУРЛАРИ:

1

Ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз хотин-қизлар учун сектор раҳбари хулосаси асосида бир марталик моддий ёрдам бериш

Боқувчиси бўлмаган эҳтиёжманд хотин-қизлар учун бир марталик моддий ёрдам бериш

2

3

Ижтимоий ёрдамга муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган, шунингдек, тезкор тиббий муолажага муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизлар учун бир марталик моддий ёрдам бериш

Уй-жойга муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизлар учун сектор раҳбари хулосаси асосида бир марталик моддий ёрдам бериш

4

5

қарамоғида ногиронлиги бўлган фарзанди мавжуд эҳтиёжманд хотин-қизлар учун бир марталик моддий ёрдам бериш



“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларга **бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш**



УШБУ БИР МАРТАЛИК МОДДИЙ ЁРДАМНИ ТЎЛАШ УЧУН:

Маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари секторлар раҳбарлари билан биргаликда “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларга мазкур бир марталик моддий ёрдам бериш миқдорлари кўрсатилган рўйхатни туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимига тақдим этади.



Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши томонидан тасдиқланган рўйхатлар асосида **“Аёллар дафтари” жамғармаси маблағлари ҳисобидан** бир марталик моддий ёрдам берилади.

1

Бир марталик моддий ёрдам “Саховат ва кўмак” жамғармаси ва бошқа қонунчиликда тақиқланмаган манбалар ҳисобидан ҳам берилиши мумкин.

2

“Аёллар дафтари” жамғармасининг даромадлари ва тушумлари прогнозидан келиб чиқиб, туман (шаҳар) молия бўлими билан келишилган ҳолда бир марталик моддий ёрдамни ойма-ой тўлаш графигини шакллантиради ҳамда Васийлик кенгашига тасдиқлаш учун киритади. Тасдиқланган ойма-ой тўлаш графигининг нусхаси хотин-қизлар фаолларига ҳам тақдим этилади.

Бир марталик моддий ёрдам бир календар йили давомида **бир мартаба берилади**. (Базавий ҳисоблаш миқдорининг – **2 баравари** миқдорида)




Оила ва хотин-қизлар бўлими:

Тасдиқланган графикка асосан ҳар ойнинг 5- санасига қадар маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари томонидан тақдим этилган рўйхатлар асосида тўлов ведомостларини шакллантириб, туманлар (шаҳарлар) ва хизмат кўрсатувчи тижорат банкининг тегишли бўлимига (филиалига) тақдим этади.





3

туман (шаҳар) лар ҳокимликларининг бухгалтерия бўлимлари тасдиқланган ойма-ой тўлаш графиги ҳамда тўлов ведомостлари асосида "Аёллар дафтари" жамғармаси маблағлари ҳисобидан зарур маблағларни хизмат кўрсатувчи тижорат банкининг тегишли бўлимига (филиалига) кўчиради



хизмат кўрсатувчи тижорат банкининг тегишли бўлими (филиали) томонидан бир марталик моддий ёрдам тўловлари ҳар ойнинг 5 — 27-саналарида амалга оширилади. Ойнинг охири иш кунида ведомостлар ёпилади. Ойнинг 27-санасига қадар тайинланган, бироқ ўз вақтида талаб қилиб олинмаган моддий ёрдамга йўналтирилган маблағлар "Аёллар дафтари" жамғармасига ўтказилади ва олувчининг биринчи талабига кўра тўланади. Ёпилган ведомостнинг бир нусхаси туман (шаҳар) ҳокимлиги ҳамда оила ва хотин-қизлар бўлимига тақдим этилади;

4



5

туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлими муҳтож хотин-қизларга тўланган бир марталик моддий ёрдам тўғрисидаги маълумотларни ахборот тизимига киритади ҳамда ёпилган ведомостнинг нусхасини тегишли маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларига тақдим этади



“АЁЛЛАР ДАФТАРИ”НИ ЮРИТИШ ОРҚАЛИ ХОТИН-ҚИЗЛАР МУАММОЛАРИНИ ТИЗИМЛИ РАВИШДА ҲАЛ ЭТИШ ВА УЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ УЧУН БЕРИЛАДИГАН КРЕДИТ, СУБСИДИЯ, ГРАНТ ВА МОДДИЙ ЁРДАМ ТУРЛАРИНИНГ РЎЙХАТИ

I. Ижтимоий Ҳимояга муҳтож ишсиз хотин-қизлар учун		
1.	Икки ҳафталик, лекин олти ойдан кўп бўлмаган муддатга, айрим ҳолларда эса Бандлик ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан келишилган ҳолда ўн бир ойгача банд бўлмаган аҳолини ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш	<i>меҳнат шартномасига асосан белгиланадиган миқдорда</i>
2.	Иш берувчиларга — аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари йўлланмаси бўйича ишга қабул қилинган ходимларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга сарфланадиган харажатларни қоплаш учун тўловни амалга ошириш	<i>ҳар бир ходим учун 6 ой давомида ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 баравари</i>
3.	Касб-хунарга эга бўлмаган ишсиз хотин-қизларни касб-хунарга ўқитиш, қайта тайёрлаш ва уларни малакаси ошириш курсларига жалб этиш	<i>ҳисоб-китобга кўра</i>
4.	Тадбиркорлик субъектларига иш ўринлари ва шароитларини ногиронлиги бўлган шахсларга мослаштириш учун субсидия ажратиш	<i>Ҳар бир мослаштирилган иш жойи учун БҲМнинг 40 бараваригача</i>
5.	Зарур ҳолларда сектор раҳбари хулосаси асосида бир марталик моддий ёрдам бериш	<i>базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баравари миқдориди</i>



II. Тадбиркорлик қилиш истагида бўлган эҳтиёжманд хотин-қизлар учун		
6.	Оилавий тадбиркорликни ташкил етиш учун тижорат банки кредитини ажратиш	<i>33 млн сўмгача</i>
7.	“Аёллар дафтари”га киритилган, бироқ кредит олишни рад қилган хотин-қизларнинг доимий бандлигини таъминлаш мақсадида тадбиркорлик субъектларининг “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни иш билан таъминлашга қаратилган лойиҳаларини молиялаштириш учун банк кредитини ажратиш	<i>225 млн сўмдан 1 млрд сўмгача</i>
8.	Тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун кредит ажратиш.	<i>33 млн сўмгача</i>
9.	“Аёллар дафтари”га киритилган тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган хотин-қизларни махсус ўқитиш дастури бўйича ўқитилишини таъминлаш	<i>Ҳисоб-китобга кўра</i>
III. Боқувчиси бўлмаган эҳтиёжманд хотин-қизлар учун		
10.	Бир марталик моддий ёрдам бериш	<i>базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 баравари миқдориди</i>
11.	Сектор раҳбари хулосаси асосида оғир турмуш шароитидаги (уй-жойи таъмирлашга муҳтож, бироқ оиласининг моддий имконияти етмайдиган) хотин-қизларнинг уй-жойини таъмирлаш	<i>базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 бараваригача миқдориди</i>
IV. Ижтимоий ёрдамга муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган, шунингдек, тезкор тиббий муолажага муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизлар учун:		
12.	Бир марталик моддий ёрдам бериш	<i>базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 баравари миқдориди</i>
13.	Сектор раҳбари хулосаси асосида оғир турмуш шароитидаги (уй-жойи таъмирлашга муҳтож, бироқ оиласининг моддий имконияти етмайдиган) хотин-қизларнинг уй-жойини таъмирлаш	<i>базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 бараваригача миқдориди</i>



V. Уй-жойга муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизлар учун		
14.	Турар-жой ижараси учун компенсация тўлаш	<i>турар-жой ижараси учун тўловларнинг 50 фоизи, лекин кўпи билан 500 минг сўмгача</i>
15.	Ипотека кредити бўйича бошланғич бадални тўлаб бериш ва фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаш учун субсидия ажратиш	<i>Вазирлар Маҳкамасининг 2021-йил 6-декабрдаги 737-сон қарори талаблари асосида бошланғич бадални тўлаш: уй-жойнинг ҳисобланган қийматининг 15 фоизи миқдориди</i>
16.	Уй-жой билан таъминлаш	<i>Ҳисоб-китобга кўра</i>
17.	Сектор раҳбари хулосаси асосида бир марталик моддий ёрдам бериш	<i>базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баравари миқдориди</i>
VI. Қарамоғида ногиронлиги бўлган фарзанди мавжуд эҳтиёжманд хотин-қизлар учун		
18.	Бир марталик моддий ёрдам бериш	<i>базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 баравари миқдориди</i>
19.	Сектор раҳбари хулосаси асосида томорқадан ва деҳқончиликдан даромад манбаи сифатида фойдаланиш учун кўмаклашиш, жумладан, қуйидаги мақсадлар учун кредит ажратиш: енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш; парранда, асалари, қуён, балиқ ва бедана боқишни йўлга қўйиш; деҳқончилик билан шуғулланиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш ишларини ташкил етиш; "Томорқа хизмати" ташкилотлари ва "Дала дўконлари"ни ташкил этиш	<i>жисмоний шахсларга 33 млн сўмгача, фермер, деҳқон хўжаликлари ва бошқа тадбиркорлик субъектларига 225 млн сўмгача фермер, деҳқон хўжаликлари ва бошқа тадбиркорлик субъектларига 225 млн сўмдан юқори</i>



"Аёллар дафтари"га киритилган барча хотин-қизлар учун		
20.	Ҳоким ёрдамчилари тавсияси асосида янги ўзлаштирилган, лалми, фойдаланилмаётган ер майдонларидан ажратилган ер майдонларини суғориш тизими (артезиан кудуқлар, томчилатиб суғориш тизими ва бошқалар) ва электр энергияси билан таъминлаш, берилган ерларни ўзлаштириш учун (ер ҳайдаш, уруғлик кўчат харид қилиш ва бошқалар) субсидия ажратиш	<i>базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 бараваригача</i>
21.	Ўзбекистон Республикасидаги олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган (таълим шаклидан қатъий назар) "Аёллар дафтари"га киритилган эҳтиёжманд хотин-қизлар ёхуд уларнинг олий таълимда таҳсил олаётган икки ва ундан ортиқ фарзандларининг бир нафарига бир марталик тўлов-контракти тўлаб бериш	<i>базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 бараваригача</i>
22.	Тадбиркорлик қилишни хоҳловчи аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказида рўйхатдан ўтган, ишсиз хотин-қизларга — яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш, кичик корхоналар ва микрофирмаларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун сарфланадиган харажатларни тўлашда бир марталик субсидиялар бериш	<i>белгиланган суммалар</i>
23.	"Ўзбекипаксаноат" уюшмаси таркибидаги қўлда гилам ва ипак мато тўқиш билан шуғулланувчиларга 3 тадан кам бўлмаган иш ўрни яратиш шarti билан гилам ва ипак мато тўқиш дастгоҳини харид қилишга сарфланадиган харажатларни қоплаш учун субсидия ажратиш	<i>ҳар бир дастгоҳ учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баравари</i>
24.	"Яйлов хўжалигини ривожлантириш" уюшмаси аъзоларига қўл меҳнати учун ускуналар харид қилиш бўйича харажатларни қоплаш учун камида битта иш ўрни яратиш шarti билан субсидия ажратиш	<i>базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баравари</i>



25.	Тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган ишсиз фуқароларга тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг дастлабки уч ой мобайнида олинган бино ва иншоотнинг ижара тўлови учун субсидия ажратиш	<i>базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваригача ва уч ойга тенг тақсимланган ҳолда ҳар бир ой учун тўлаб берилади</i>
26.	Хунармандларнинг "Хунарманд" уюшмасига аъзолик бадали харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиш	<i>аъзолик бадали миқдоридан</i>
27.	Ўрмон фонди ерларини ижарага олган ижарачилар Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказида рўйхатдан ўтган ишсиз шахсларни ишга қабул қилган тақдирда, уларга иш ҳақи тўлаш харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиш	<i>6 ой давомида ўртача иш ҳақининг 50 фоизи миқдоридан, бироқ ҳар бир ой учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баробаридан ошмаган миқдорда</i>
28.	Енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш, шунингдек, суғориш воситаларини харид қилиш ҳамда уруғликлар ва кўчатлар сотиб олиш учун субсидия ажратиш	<i>1. Енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш учун: базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 бараваригача; 2. Суғориш воситаларини харид қилиш учун: базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваригача; 3. Уруғликлар ва кўчатлар сотиб олиш учун: базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 бараваригача</i>



29.	Қишлоқ хўжалиги кооперативлари устав фондига улуш сифатида киритиши учун субсидия ажратиш	<i>базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 бараваригача</i>
30.	Тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини бошламоқчи бўлган хотин-қизларга асбоб-ускуна, меҳнат қуроллари (тикувчилик, тўқимачилик, пазандачилик, соч турмаклаш, дурадгорлик, чилангарлик, қурилиш, қишлоқ хўжалиги (мотокултиватор, ўт ўриш ўроқ машинаси, пайвандлаш аппарати, ўсимликларга ишлов бериш қурилмаси) ва ҳоказо соҳаларда ишлатиладиган меҳнат қуроллари ва аппаратлари)ни харид қилиш учун субсидия ажратиш	<i>10 млн сўмгача</i>
31.	Касб-ҳунар таълими муассасаларига — банд бўлмаган шахслар, айниқса, меҳнат миграциясидан қайтган фуқаролар, кам таъминланган оилаларда яшовчи хотин-қизларни касбга қайта ўқитишга сарфланадиган харажатларни молиялаштириш учун грант ажратиш	<i>ҳар бир ишсиз фуқаро учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 бараваригача</i>
32.	Касб-ҳунарга ўқитиш марказлари, коллежлар ва олий ўқув юртларида касб-ҳунарга тайёрлаш, агротехнология, боғдорчилик, сабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ҳамда асаричилик соҳасида фермер ва деҳқон хўжалиklarининг раҳбарлари ва ишчилари ҳамда томорқа ер эгаларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни молиялаштириш учун грант ажратиш	<i>ҳар бир ишсиз фуқаро учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 бараваригача</i>
33.	Тиббий ёрдам кўрсатиш зарурати бўлганда, белгиланган тартибда тегишли бирламчи тиббий санитария муассасаси томонидан статсионар ёки амбулатор даволаш	<i>Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида</i>



34.	Давлат бюджети маблағлари ҳисобига тиббий ёрдам кўрсатиладиган имтиёзли тоифага кирадиган "Аёллар дафтари"га киритилган хотин-қизлар, шунингдек, уларнинг вояга етмаган (қарамоғида I гуруҳ ногиронлиги бўлган фарзандларининг ёшидан қатъий назар) фарзандларини ўрнатилган тартибда электрон навбатга қўйиш орқали вилоят ёки республика даражасида тиббий муассасаларда даволаш.	<i>Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида</i>
35.	"Аёллар дафтари"га киритилган хотин-қизлар ва (ёки) уларнинг вояга етмаган (қарамоғида I гуруҳ ногиронлиги бўлган фарзандларининг ёшидан қатъий назар) фарзандларига даволаш, дори-дармон олиб бериш ёки мураккаб жарроҳлик амалиётлари учун маблағ зарур бўлган ҳолатларда туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси ва сектор раҳбари хулосалари билан тиббий муолажа харажатларини тўлаб бериш.	<i>дори-дармон олиб бериш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 бараваригача; мураккаб жарроҳлик амалиётлари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваригача</i>
36.	"Аёллар дафтари"га киритилган оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган, ногиронлиги бўлган эҳтиёжманд хотин-қизлар ва уларнинг фарзандларини реабилитация воситалари билан таъминлаш.	<i>Ҳисоб-китобга кўра</i>
37.	"Аёллар дафтари"га киритилган I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган ёки сурункали ҳамда юқумли касалликларга чалинган эҳтиёжманд хотин-қизларнинг ва (ёки) уларнинг вояга етмаган (қарамоғида I гуруҳ ногиронлиги бўлган фарзандларининг ёшидан қатъий назар) фарзандларининг, лозим бўлганда I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга ҳамроҳлик қилувчининг даволаниш амалиёти учун Ўзбекистон Республикасининг бошқа ҳудудида жойлашган тиббий муассасаларга бориш-келиш йўл харажатларини қоплаб бериш.	<i>1. Йўл харажатларини тасдиқловчи (чипта ва ҳоказо) ҳужжатларда кўрсатилган сумма; 2. Йўл ҳужжатлари мавжуд бўлмаганда, ҳар бир километрга базавий ҳисоблаш миқдорининг 0,08 фоизи миқдорида; 3. Махсус транспорт воситаси учун сарфланган сумма</i>



38.	"Аёллар дафтари"га киритилган хотин-қизларнинг муаммоларидан келиб чиқиб, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар, жумладан, туғилганлик ҳақида гувоҳнома ва фуқаролик паспортини олиш, судга даъво аризаси киритгани учун ундириладиган давлат божи тўловлари ва бошқа харажатлар (адвокатларнинг хизмати учун тўловлар бундан мустасно) сектор раҳбари хулосасига асосан тўлаб бериш.	<i>Давлат божи сифатида белгиланган сумма</i>
39.	"Аёллар дафтари"га киритилган хотин-қизлар учун маданий-маърифий, спорт ва бошқа тадбирлар ташкил этиш.	<i>Шакллантирилган харажатлар сметаси миқдорида</i>
40.	"Аёллар дафтари"га киритилган хотин-қизларнинг саёҳатларини ташкил этиш.	<i>Ҳисоб-китобга кўра</i>



МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларига оид қонунчилик ҳужжатлари	4
Аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари.....	6
Хотин-қизларга тадбиркорликни йўлга қўйиш учун кредитлар берилади	7
“Аёллар дафтари”га киритилган ёлғиз аёлларнинг фарзандлари мактабгача таълим муассасига имтиёзли рўйхат асосида қабул қилинади	9
Айрим тоифадаги хотин-қизларга ОТМга кириш учун тавсиянома берилади.....	10
Фаол ва ташаббускор хотин-қизлар “Мўътабар аёл” кўкрак нишони билан тақдирланади	11
Хотин-қизларга 5 млн сўмгача кредитлар нақд берилиши мумкин	12
Хотин-қизларнинг касб-хунарга ўрганишга қилган харажатларини давлат тўлаб беради	13



Ишлайдиган оналарга болани овқатлантиришга танаффус берилади	14
12 ёшга тўлмаган боласи бор аёлларга қўшимча таътил берилади.....	15
“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларга бериладиган бир марталик моддий ёрдам турлари	21
Ушбу бир марталик моддий ёрдамни тўлаш учун.....	23
“Аёллар дафтари”ни юритиш орқали хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун бериладиган кредит, субсидия, грант ва моддий ёрдам турларининг рўйхати	26

АЁЛЛАРГА ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТ

УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

“Pages Print” нашриёти
Тошкент – 2024

Нашр учун масъул: **Б. Мавлонов**
Муҳаррирлар: **У. Юнусов,**
Ў. Номозова
Бадий муҳаррир: **Ф. Собиров**
Саҳифаловчи: **Л. Абдуллаев**

Нашриёт рўйхат рақами № 263082. 25.04.2024 й.
Босишга рухсат этилди: 8.10.2024.
“Segoe UI” гарнитураси. Қоғоз бичими: 70x100 $\frac{1}{16}$
Нашриёт босма табағи 2,3.
Ташкент шаҳри, Олмазор тумани,
Чимбой кўчаси, 8 уй.

«Pages Print» МЧЖ босмахонасида чоп қилинди.

ISBN 978-9910-9222-6-8



9 789910 922268